

АЛИМОВА Махфуза Фахруддиновна,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Динишунослик ва жаҳон динларини
қийёсий ўрганиш UNESCO кафедраси
доценти, тарих фанлари номзоди
mahfuzaalimova@iiaau.uz

ҲАДИС ИЛМИДА РОВИЙЛАР ТАРИХИНИ БИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

ВАЖНОСТЬ ЗНАНИЯ ИСТОРИИ РАССКАЗЧИКОВ В НАУКЕ ХАДИСОВ

THE IMPORTANCE OF KNOWING THE STORIES OF STORIES IN THE SCIENCE OF HADIS

Аннотация: Ҳадис илмида ҳар бир ривоятнинг таркибий қисми бўлган иснодга алоҳида эътибор қаратилган. Иснод хабарни ривоят қилувчиси билан боғлаб туради. Муҳаддислар санад билан иснодни бир маънода қўллаганлар. Ҳадиснинг бошланишида уни биринчи бўлиб айтган ва эшитган кишидан бошлаб, ҳадисларни тўпловчига қадар барча шахсларнинг исмлари бирма-бир кўрсатиб чиқилади ва бу ҳадиснинг асоси, далили ҳисобланади. Ҳадиснинг ҳақиқий ёки сохта экани уламолар томонидан исмларни таққослаш йўли билан текширилган. Ҳадисни нақл қилувчи кишиларнинг яшаган йиллари ва бошқа ижобий сифатлари қўйилган шартларга тўғри келса, иснод тўғри бўлса ҳадис ҳам ишончли деб ҳисобланган.

Таянч иборалар: Ҳадис, иснод, ровий, Имом Бухорий, Имом Доримий, Имом муслим, олий иснод, илм ар-рижол, муҳаддис, саҳоба, тўплам, илмий мерос.

Аннотация: В науке о хадисах особое внимание уделяется иснаду, который является составной частью каждого хадиса. Иснад связывает сообщение с рассказчиком. Муҳаддисы использовали санад и иснад в одном и том же смысле. В начале хадиса имена всех лиц перечисляются одно за другим, начиная с человека, который первым рассказал и услышал его, до собирателя хадиса и это является основой и доказательством хадиса. Ученые путем сравнения имен проверяли, является ли хадис подлинным или поддельным. Если годы жизни и другие положительные качества рассказчиков хадиса соответствуют предписанным условиям, то иснад правильный, и поэтому хадис считается достоверным.

Ключевые слова: Хадис, иснад, рассказчик, имам Бухари, имам Дарими, имам Муслим, высший иснад, традиция, сподвижник, сборник, научное наследие.

Annotation: In the science of hadith, special attention is paid to the isnad, which is an integral part of each hadith. Isnad connects the message with the narrator. The Muhaddiths used sanad and isnad in the same sense. At the beginning of the hadith, the names of all persons are listed one by one, starting from the person who first spoke and heard it, to the collector of the hadith, and this is the basis and proof of the hadith. The scholars checked whether the hadeeth was authentic or fake by comparing names. If the years of life and other positive qualities of the narrators of the hadith meet the prescribed conditions, then the isnad is correct, and therefore the hadeeth is considered authentic.

Keywords: Hadith, isnad, narrator, Imam Bukhari, Imam Dorimi, Imam Muslim, highest isnad, tradition, companion, collection, scientific heritage.

КИРИШ

Ислом дини тарқалган ўлкаларда ўрта асрларда ҳадис илми доирасида ҳам миллий қадриятлар ва ислом дини ғоялари орасида ўзаро таъсир, мулоқот жараёнлари кечган. Бир неча авлод муҳаддислар фаолияти натижасида ўлкалардаги маънавий ҳаёт ҳадислар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Бу ўз навбатида халифалик ҳудудида муҳим ўрин эгалловчи ҳадис мактаблари фаолияти ва муҳаддислар ҳаёти, улар яшаган даврдаги сиёсий-ижтимоий жараёнлар, фан ва маданиятни янада мукамалроқ ўрганишни талаб этмоқда. Юртимизда яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирлар ҳам ўзларининг бебаҳо илмий-маънавий мерослари билан ҳадис илми ривожига улкан ҳисса қўшганлар. Уларни тадқиқ қилиш, улар қолдирган асарларни ўрганиб, оммалаштириш, халқимизга етказиш доим долзарб масалалардан бўлиб келган.

Маълумки, халифалик сарҳадлари кенгайиб борган сари саҳобалар ислом илмларини ёйиш, ҳадисларни ривоят қилиш учун турли шаҳарларга тарқалганлар. Улар бир ҳадис ёки масалани ўрганиш учун сафардаги хатарларга қарамай, узоқ масофаларни босиб ўтганлар. Илм талабида сафарга чиқишдан эринмаслик фазилати саҳобалардан тобеинларга ўтган. Бу борада бир қанча ривоятлар келган. Хусусан, Абул Олиянинг “Басрада Набий соллаллоху

алайҳи васалламнинг саҳобаларидан ривоят қилинган ҳадисни эшитардик. Шу боис, Мадинага бориб, ҳадисни ўша ровийнинг ўз оғзидан эшитмагунимизча кўнглимиз таскин топмасди” мазмунидаги, шунингдек, Саид ибн Мусаййибнинг “Бир ҳадис талабида ҳатто бир неча кеча-кундуз юришга тўғри келса ҳам, албатта, сафар қиламан” мазмунидаги ривоятлари машҳур. Мазкур сафарлар натижасида саҳобалар ёки тобеинлардан янги ҳадисларни олиш, ҳадис илмларига оид билимларини бойитиш, ривоятнинг ҳақиқий манбасидан олишга эришилган. Имом Аҳмад таъкидлаганидек: “Олий иснодни талаб қилиш аввал ўтган олимлардан қолган суннат сифатида ровийлар занжирини қисқартириш учун амалга оширилган”.

АСОСИЙ ҚИСМ

VIII аср охири - IX аср бошларида ҳадис илмидаги йўналишлардан бири - ровийлар тарихини ўрганувчи – илм ар-рижол соҳаси кенг ривожланди. Бу ўша даврнинг диний-сиёсий муҳити ва ҳуқуқий ҳолатининг талаби эди [1; 88]. Чунки турли фирқалар ўртасидаги мафкуравий курашларнинг авж олганлиги ҳар хил даражадаги сохта ҳадисларнинг кўпайишига олиб келди. Бу эса муҳаддис-олимлар олдида катта масъулият – саҳиҳ ҳадисларни ажратиб бериш вазифасини қўйди. Муҳаддислар саҳобийларнинг сўзлари ҳамда тобе‘ийларнинг фатволари билан қўшиб қайд этилган китоблардаги ҳадисларни саралаш, уларни саҳиҳ ва заиф даражаларини ўрганишга эътибор қаратдилар. Имом Муслим “Саҳиҳ”ида Ибн Сириндан қуйидаги маълумотни келтиради: “Авваллари иснод тўғрисида сўралмасди. Фитна бошлангандан кейин эса ҳар бир ровийдан [ўзидан] илгари кимлар ривоят қилганлигини сўрай бошланди” [2; 112].

Муҳаддисдан ровийларнинг силсиласини жуда аниқ ва мукамал ўрганиш талаб қилинган. Масалан, силсиладаги ҳар бир ровий алоҳида объект сифатида олиниб, бутун ҳаёти диққат билан ўрганилади ва у ҳақида маълумот тўпланади. Ҳадис ровийси кимлигини билмасдан туриб ҳадисларни ривоят қилиш мумкин бўлмаган. Муҳаддисдан исмлар, қуналар, лақаблар, насаблар, туғилган ва вафот саналарини жуда яхши билиш талаб қилинган.

Али ибн ал-Мадиний (ваф. 848 й.) ҳам бу илм ҳақида: “Ровийларни билиш илми – бу ҳадис илмининг ярмига тенг”, деб бежиз таъриф бермаган [3; 150], [5; 44].

Кейинги даврда ҳадис илми соҳалари ичида асосий ҳисобланган илм ар-рижол бўйича бир қанча асарлар ёзилди. ал-Лайс ибн Саъд (ваф. 792 й.), Ибн ал-Муборак (ваф. 798 й.), Замра ибн Робиъа (ваф. 818 й.), ал-Фазл ибн Дакин (ваф. 833 й.), Имом ад-Доримий (798-869), Имом ал-Бухорий (810-870), Имом ат-Термизий (824-892) ва бошқа муҳаддислар бу соҳада асарлар таълиф этдилар. Самарқандлик буюк муҳаддис Имом ад-Доримий илм ар-рижол бўйича махсус асар ёзмаган бўлса-да, ўзининг “Сунан”ида бу соҳага оид кўп фикрларини билдириб ўтган. Бунда асосан тобе‘ийларнинг тарихига катта эътибор берилган. Имом ад-Доримий ҳадис иснодида келтирилган ровий исмининг ё тўлиқ шаклини келтирган, у ҳақида қўшимча маълумот берган, ё бўлмаса ҳадисда келтирилган исмдаги хатоликни кўрсатиш, тўғрилаш ва уни тўлдириш учун аниқлик киритган. Масалан, “Абу Нуъайм (ваф. 833 й.): Убайдуллоҳ ибн Рифоъа – Исмоил ибн Убайд ибн Рифоъадир, деб айтган”, “Абу ал-Ҳавро (ас-Саъдий)нинг исми Рабиъа ибн Шайбон”, “Абдулҳамид ибн Зайд ибн Абдурахмон ибн Зайд ибн ал-Хаттоб, у Умар ибн Абдулазизнинг Куфадаги валийси бўлган”. Имом ад-Доримий ровийлар тарихига оид бу каби изоҳларни “Сунан”нинг 60 дан ортиқ жойида ҳадис матнидан сўнг келтириб ўтган [6; 302].

Имом Муслим (821-875) эса бирон бир ҳадис қабул қилишда ровийлар замондош, яъни бир вақтда яшаб, учрашиб кўришишлари мумкин бўлса етарли, деб ҳисоблаган. У устози Имом ад-Доримийдан ҳадис илмининг *жарҳ ва та‘дил*¹, илм ар-рижол соҳалари бўйича таҳсил олиб, ундан олган билимларни “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарида келтириб ўтган. Жумладан, “Имом ад-Доримий устози Абу Нуъаймдан қуйидаги маълумотни келтиради: “Ал-Муъалло ибн Урфон менга Абу Воил (ваф. 701 й.)нинг: “Сиффинда Ибн Масъуд бизга қарши чиқди”, деб айтган сўзини келтирди. Шунда мен (Абу Нуъайм): “Сиз уни қайта тирилган деб ўйлаяпсизми?”, деб жавоб бердим”, дейди [2;

¹ *Илм ал-жарҳ ва-т-та‘дил* – ровийларнинг адолатли ёки нуқсонли жиҳатларини аниқлаш илми.

26]. Маълумки, саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд Мадинада ҳижрий 32 (мил. 653) йилда вафот этган бўлиб, Сиффин жанги эса ҳижрий 37 (мил. 658) йилда бўлиб ўтган. Демак, ҳадис тўқима бўлиб, ундаги келтирилган маълумот уйдирмадир. Бу ўз навбатида муҳаддислардан ҳадис илмларининг барчасини мукаммал эгаллаш, айниқса, ҳадис иснодини аниқ билиш талаб этилган. Шунга кўра ҳадисларни саралаш асосан уларнинг *иснод*лари бўйича олиб борилган. Европалик ҳадисшунос олим Ж. Бёртоннинг таърифи билан айтганда, “Иснодни танқидий ўрганиш услуби статистик тадқиқотларга ўхшаш бўлиб, муҳаддис бир ҳадиснинг барча машхур вариантларини тўплаб, сўнгра уларнинг иснодларини қиёслабгина, аниқ бир хулосага келган” [7; 168].

Ҳадис илмида ҳар бир ривоятнинг таркибий қисми бўлган иснодга алоҳида эътибор қаратилган. Иснод хабарни ривоят қилувчиси билан боғлаб туради ва муҳаддислар санад билан иснодни бир маънода қўллайдилар. Ҳадиснинг бошланишида уни биринчи бўлиб айтган ва эшитган кишидан бошлаб, ҳадисларни тўпловчига қадар барча шахсларнинг исмлари бирма-бир кўрсатиб чиқилади ва бу ҳадиснинг асоси, далили ҳисобланади. Ҳадиснинг ҳақиқий ёки сохта экани уламолар томонидан исмларни таққослаш йўли билан текширилган. Ҳадисни нақл қилувчи кишиларнинг яшаган йиллари ва бошқа ижобий сифатлари қўйилган шартларга тўғри келса, иснод тўғри, демак, ҳадис ҳам ишончли деб ҳисобланган.

Одатда ровийлар ўзларининг бир гуруҳ шогирдларига ҳадисларни ривоят қилганлар. Бир неча ҳадислар билан қиёслаганда исноди ва матни аниқ келган ҳадисни ривоят қилган ровийларни энг ишончли - *сиқа*, аниқ ва беҳато ривоят қилувчи - *сабит*, энг яхши эслаш қобилиятига эга бўлган - *ҳофиз* каби сифатлар билан тавсифлаганлар [8; 126]. Имом ад-Доримий ушбу сифатларга яна такводорлик - *муттақин*ни ҳам қўшимча қилган.

Исноддаги ровийлардан одил - *‘адил* - диннинг барча кўрсатмаларига аниқ амал қилиши билан шуҳрат қозонган, холис ниятли, вазмин, энг устивор мақсади улуғ ажрлар олиш умидида ҳадисни ёйиши ва Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг суннатларини аниқ ва беҳато етказа олиш қобилиятига эга бўлиши, араб тилини яхши билиши ва бошқа шу каби ҳислатлар

соҳиби бўлиши талаб қилинган [9;371]. Ушбу талаблардан айримлари бажарилмаган ҳолатда ҳадиснинг ишончлилик даражаси камайган. Баъзан ровийнинг сиқалигига шубҳа бўлса, қўшимча талаб билан эътиборга олинган. Жумладан, Имом ад-Доримий устози Закарийё ибн Адийдан: “Бақиййа (ваф. 813 й.)дан фақат у таниқли (ишончли, машхур) ровийлардан ривоят қилсагина ёзинг. Агар нотаниш ровийлардан бўлса, ёзманг. Исмоил ибн Айёш (ваф. 798 й.) дан эса, таниқли бўлса ҳам, бошқалардан бўлса ҳам, ёзманг!” деган маълумотни келтиради [2; 25]. Бундан келиб чиққан ҳолда, Имом ад-Доримий Бақиййа ибн Валиддан 15 та ҳадис ривоят қилса, Исмоил ибн Айёшдан биронта ҳам ҳадис келтирмаган. Бу эса “Сунан”даги ҳадислар ҳар томонлама сараланган ҳолда қайд этилганлигига, муҳаддиснинг ҳадис илмлари талабларига тўлиқ риоя қилганини кўрсатади.

“Иснод диннинг бир бўлаги. Агар иснод бўлмаганида эди, ким нимани хоҳласа, ўшани гапираверарди” дейди Абдуллоҳ ибн Муборак. Имом Саврий эса: “Иснод мўминнинг курулидир”, деб тавсифлаган. Иснодларнинг машхур 2 тури: олий ва нозил иснодлар борасида қатор асарлар таълим этилган. Олий иснод – **ривоят қилган ровийларнинг сони бошқа иснодга қараганда оз бўлишига айтилган**. Нозил иснод эса бир ҳадисни ривоят қилган ровийларнинг санаддаги сони худди шу ҳадисни ривоят қилган бошқа санаддан кўп бўлишидир.

Имом Бухорий ва Имом Муслим тўпламларидаги энг қуйи, яъни нозил санад тўққизталиқ, яъни Пайғамбар (с.а.в.) билан мусанниф ўртасида тўққизта ровий мавжуд бўлган санад ҳисобланади. Истилоҳда бунга “тусой” дейилади. Имом Термизий ва Имом Насоийнинг тўпламларидаги нозил иснодли ҳадисларда ровийлар занжири ўнталик, яъни мусанниф билан Расулуллоҳ (с.а.в.) ўртасида ўнта ровий бўлган санаддир.

Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарига етти ярим мингдан ортиқ ҳадисларнинг санадлари уч ровийдан бошлаб, то тўққиз нафар ровийгача ривоятлар занжирини кўриш мумкин. “Яқинлашган ёмонликдан араблар ҳолига вой!” мазмундаги биргина ҳадис тўққиз ровийлидир. Лекин бу ҳадис “Саҳиҳул Бухорий”да тўрт марта такрорланган бўлиб, бошқаларида санад 7 нафар ровийдан нақл бўлиб келади.

Умуман эса, “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”асарида аксар ҳадислар 5-6 ровийлик ҳисобланади.

Албатта, “Саҳиҳул Бухорий”да 22 та уч ровийлик олий иснодли ҳадислар эътиборга молик. Сулосиёт ровийлари саҳоба → тобеин → таъба тобеин жамоаси бўлиб, улар Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий каби муҳаддислар томонидан ривоят қилинган ҳадисда айтилганидек, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эътироф этган даврларда яшаган зотлардир. Яъни,

خَيْرُ النَّاسِ قَرْنِي ثُمَّ الَّذِينَ يَلُونَهُمْ ثُمَّ الَّذِينَ يَلُونَهُمْ

“Одамларнинг яхшиси менинг давримдаги (саҳоба)лар, сўнг уларга эргашган (тобеин)лар, сўнг уларга эргашган (таъба тобеин)лардир!” [12;3].

Имом Бухорий Ибн Авндан ривоят қилади: “Мен ўзим учун ҳам, дўстларим учун ҳам уч нарсани бўлишини яхши кўрдим (тилардим). Булар – суннатни ўргансинлар ва у ҳақда сўрасинлар; Қуръонни тушунсинлар ва ундан ҳам сўрасинлар; инсонларни фақат хайрли дуо қилсинлар”.

ХУЛОСА

Мовароуннаҳрлик муҳаддислар ҳадис ровийларининг тарихини яхши англаш нуктаи назаридан узоқ сафарларга бориб, турли мамлакатлардаги ҳадис ишончли ровийларидан бевосита эшитишга интилишган. Хусусан, Имом ад-Доримий Шарқ мамлакатларига қилган илмий сафарлари давомида кўплаб олимлардан ҳадис тинглаган. Улар орасидан ишончлиларини танлаб, ўз асарларида 250 дан ортиқ шайхлардан ҳадис ривоят қилган. Тадқиқот давомида унинг устоз-ровийларининг асосий қисмини куфалик, басралик ҳамда бағдодлик ровийлар ташкил этиши аниқланди. Имом ад-Доримий Язид ибн Ҳорун, Жаъфар ибн Авн, Ваҳб ибн Жарир каби улуғ устозлардан бевосита ҳадис ривоят қилишга муваффақ бўлган

Буюк муҳаддисларнинг асарлари асрлар давомида алоҳида ўқитиб-ўрганиб келинган. Манбаларда ровийлар мазкур асарларни ўз устозлари олдида ўқиганликлари ҳақида алоҳида қайд қилинган, бунинг учун махсус ижозалар берилгани ҳам келтирилган. Бинобарин, бугун ҳам бу улкан меросни ўрганиш ва ҳадис матнидаги ҳукмларга амал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда ҳадисшунослик соҳаси

бугунги кунда ривожланиб, қатор тадқиқотлар амалга ошириб келинаётгани ижобий ҳолат. Аммо шу билан бирга, тадқиқотлар йўналишларини кенгайтириш, муҳаддислар асарларини замон талаблари асосида янги қирраларини ўрганиш, кенг жамоатчиликка етказиш бугунги кун исломшунослари олдида турган муҳим вазифалардан саналади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ермаков Д.В. Хадисы и хадисная литература // Ислам. Историографические очерки. - М.: Наука, 1991. - С. 88.
2. Абу ал-Хусайн Муслим ибн ал-Хажжож ал-Кушайрий ан-Найсабурий. Саҳиҳ Муслим. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа. - 576 б.
3. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун ан асоми’л-Кутуб вал-Фунун: 2 жилдли. – Истанбул: 1941-43.
4. ал-Ҳоким Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ан-Нийсабурий. Китаб маърифат улум ал-ҳадис. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, (йили кўрсатилмаган).
5. Акрам Зийо ал-Умарий. Бухус фи таърих ас-сунна ал-мушаррифа. - Ал-Мадина ал-Мунаввара: Мактаба ал-улум ва-л-ҳикам, 1994. – Б. 44.
6. Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн ал-Фадл ибн Баҳром ат-Тамимий ас-Самарқандий ад-Доримий. Сунаан ад-Доримий. 2 жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1996. (– Ж. 1. – 347 б.; – Ж. 2. – 309 б.).
7. Бёртон Дж. Мусульманское предание: Введение в хадисоведение. - М.-С.: “ДИЛЯ”, 2006. – С. 168.
8. Ибн Салоҳ Абу Умар ва Усмон ибн Абдурахмон аш-Шаҳразурий. Улум ал-ҳадис. - Дамашк: Дор ал-фикр, 1986. – 471 б.
9. Аш-Шофеъий. Ар-Рисола. – Б. 370-371.
10. Уватов У. Ўзбекистон – буюк муҳаддислар ватани // “Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси” номли халқаро конференция маъруза ва табриklar тезислари тўплами. – Тошкент-Самарқанд: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази, 2007. – Б. 168-170.
11. Хамрокулов Ж. Мусталаҳул ҳадис. Маърузалар матни. – Т.: Fikr-media, 2004. – 95 б.
12. Аллокулов А. Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асарида келган сулосиёт ривоятлари таҳлили. <https://www.bukhari.uz/?p=19793>
13. Alimova, Mahfuza (2020) “The Contribution of Imam ad-Darimi to the Development of Hadith Science” // The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 15. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss2/15>